



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidiyjournal.uz](http://www.maturidiyjournal.uz)

+998971 244-35-36  
 @moturidiyuz

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)  
[info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK

الماطريدييـة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.



2/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



2/2023

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Махмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

**Жамолиддин Каримов,**

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Масъул муҳаррир:

**Зафар Фахриддинов,**

*Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Саҳифаловчи:

**Зарифжон Арслонов**

Дизайнер:

**Зарифжон Ғуломов**

“Мотуридийлик” журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1139 раками билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика) ..... 4

#### Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари ..... 13

#### Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби ..... 20

#### Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршунослиқдаги аҳамияти ..... 28

### ДИНШУНОСЛИК

#### Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил ..... 36

#### Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши ..... 46

#### Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъқиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили ..... 55

#### Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич ..... 63

### ИСЛОМ ТАРИХИ

#### Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар) ..... 70

#### Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи ..... 80

#### Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида ..... 87

### ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

#### Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф ал-Осор” асари ..... 94

#### Mas'udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти ..... 104

#### Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари ..... 112

#### Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит ..... 122

#### Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari ..... 130

#### Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi ..... 137

**Ibrohim S. USMONOV,**  
*Candidate of Historical Sciences,  
Postdoctoral researcher of the Academy of  
Sciences, the Institute of Oriental Studies  
named after Abu Rayhan Biruni.  
M.Ulugbek str. 79, 100170, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [i.usmanov@yahoo.com](mailto:i.usmanov@yahoo.com)*

**DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/1**

**ШАРИАТ ВА ТАСАВВУФ:  
ГЕРМЕНЕВТИК ЁНДАШУВЛАР  
(ҲАҚИМ ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИДА  
ЮРИДИК ГЕРМЕНЕВТИКА)**

**SHARIAH AND SUFISM:  
HERMENEUTICAL APPROACHES  
(LEGAL HERMENEUTICS IN HAKIM  
TIR MIDHI'S WORKS)**

**ШАРИАТ И СУФИЗМ:  
ГЕРМЕНЕВТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ  
(ЮРИДИЧЕСКАЯ ГЕРМЕНЕВТИКА В  
ТРУДАХ ҲАКИМА ТИРМИЗИ)**

**КИРИШ**

Дастлабки тасаввуфий асарларда “сунна” тушунчаси шариат ва маънавиятни қамраб олиши назарда тутилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Аксарият фақих-хукуқшуносарнинг бу икки тушунчани ўзаро боғлашга кўп ҳам уринмаганлари, суфийлар эътирозига сабаб бўлган. Зеро, хукуқшуносар шариатни оддий тушуниб талқин қилиш доирасидан ташқари чиқишига ҳаракат қилмаганлар. Суфийлар эса, шариатни ўзига хос тарзда тушунишлари оқибатида “шариат ва унинг маънавий жиҳатини жамлаган суннага қайтиш” ҳақида муҳокама қилганлар (A. Belhaj, 2013:85). Ҳорис Муҳосибий, Саҳл Тустарий, Ҳаким Термизий ўз асарларида муқаддас матнларнинг тасаввуфий герменевтикасини кашф қила олдилар (A.Belhaj, 2013:94).

Шариат ўз тараққиёти йўлида турли шакл-кўринишлардан ўтди. Биринчиси, муқаддас матнлар доирасидаги шариат. Уни анъанавий уламолар ва консерватив фақиҳлар илгари сурадилар, бунда юридик герменевтика чекланади. Иккинчиси, шаръий ҳукмлар бўлиб, раъй уламолари бу ерда герменевтик талқин

заруриятини таъкидлайдилар. Учинчиси, амалий ва назарий қоидаларни ўз ичига олган суфий герменевтик татбиқ жараёнидир (A.Belhaj, 2013:94). Умуман олганда, сулук аҳли ва фақиҳларнинг шариатга муносабатини икки хил юридик герменевтик ёндашув деб баҳолаш мумкин. Йирик суфий уламолар фикҳнинг қуруқ ва шаклий бўлиб қолишининг олдини олиш учун уни ички руҳ ва маънавий мазмун билан тўлдириб, адолат ва мўътадилликни таъминлашни мақсад қилганларини суннанинг герменевтик бирлигини тиклашга уриниш сифатида баҳолаш мумкин. Тасаввуф шариатнинг анъанавий талқинларга параллел бўлган хукуқшунослик талқинини тақдим этиб, муқобил мусулмон юридик герменевтикасига айланба борди.

АҚШлик исломшунос Девид Вишанофф “The Formation of Islamic Hermeneutics” монографиясида Имом Шофеийни мусулмон юридик герменевтикаси асосчиси сифатида тақдим этади. Имом Шофеий “ар-Рисола” асарида Куръон ва суннадаги ихтилофли масалаларни мувофиқлаштиришнинг герменевтик муаммоларини аниқлаштириш билан чекланмасдан, унинг ечимларини ҳам бера олган эди. Аммо шу билан бирга илк ислом даврида Имом Шофеий юридик герменевтиканинг асосий 5 масаласи билан кизиқкан ягона мусулмон хукуқшунос олими эмас эди (David R. Vishanoff, 2004:18). Унга қадар ҳам ҳукм оятларининг тафсирларида муфассирлар томонидан юридик герменевтиканинг назарий масалалари муҳокама қилинганини кўриш мумкин. Ҳатто, IX асрдаёт Шофеийнинг юридик герменевтикаси зоҳирийлар ва ҳанафийлар томонидан танқид қилина бошлади.

В.Маделунг ҳам Д.Вишанофф (David R.Vishanoff) ўзининг “The Formation of Islamic Hermeneutics” китобида Имом Шофеийни “ар-Рисола” асари туфайли ислом ҳукуқшунослиги герменевтикасининг асосчиси деб баҳолаганини қайд этиб, Имом Шофеийнинг давригача Куръон тафсири, илоҳиёт ва ҳукуқ фанларида баъзи герменевтик тушунчалар ишлаб чиқилган бўлса-да, аммо Қуръон ва суннатни шарҳлаш учун кенг қамровли, тизимли герменевтик назария йўқ бўлганини келтиради. Имом Шофеий ислом ҳукуқи назарияси билан бирга матнларнинг кўпмаъноли ва бирмаъноли эканини назарда тутувчи муқаддас матнларни шарҳлаш герменевтикасини ҳам ишлаб чиққанини баён қиласи (Madelung Wilferd, 2011).

**Аннотация.** Мақолада ислом ҳуқуқшунослигига оид масалаларга фақиҳлар ва сүфийлар ёндашувларидаги фарқлар мұхокама қилинады. Фақиҳлардан фарқлы үлароқ ислом ҳуқуқшунослиги масалаларнинг маънавий жиҳатларини ҳам қамраб олиншишини ёқлаш чиққан сүфийлар мүқаддас матнларнинг тасаввуфий-юридик герменевтикасини кашф қыла олдиладар.

Имом Шофеий “ар-Рисола” асари туғайылған ислом ҳуқуқшунослиги герменевтикасининг асосчиси деб баҳолансада, ундан олдин яшаган Абу Ҳанифа ва Имом Молик ҳам ҳуқуқшунослик герменевтикасига доир фаолият олиб борғанлар. Уларнинг усул ал-ғиққа оид ишлаб чиққан қоидалари асосида мазҳабларнинг сонсаноқсиз фиқхий ҳукмлари чиқарылған. Аммо усул ал-ғиққа қоидаларини тартибга солиш бўйича Шофеийнинг “ар-Рисола”си дастлабки ёзма манба, илк қадам бўлгани учун алоҳида эътиборга сазовор бўлгани мақолада ёритилган.

Ҳаким Термизий матнларни ҳарфий тушунишдан доим қочиб, таъвил йўлини тутмаган. У “таъвил” сўзини “бирор масаланинг аввалини излаш, бошидан ўрганиши” деб баён қилган.

Термизий ана шундай таъвилларни кўтара оладиган алоҳида олимлар тоифасини қайд этади. Бунда Термизий ал-мисоқ ҳодисасини ўзига хос талқин қилади: Одам Ато яратилгунга қадар одамзот учта босқични босиб ўтган. Биринчи босқичда – Аллоҳ барча одамзотни ҳузурига келтириб уларни Ўз нури билан мунаввар қилди. Шу нурдан насибадорлигига қараб одамлар коғирлар, шаккоклар ва мўминларга ажралди. Иккинчи босқичда – 50 минг йилдан кейин Аллоҳ Одам Атони яратди. Учинчи босқичда – қиёматгача тугиладиган жасами инсонлар руҳидан ал-мисоқ куни аҳд олди.

**Калим сўзлар:** юридик герменевтика, ҳикмат, зоҳир илми, ботин илми, ал-мисоқ, фиқх, Ҳаким Термизий, Имом Шофеий, таъвил, истинбат, ижтиҳод.

**Abstract.** The article discusses the differences in the approaches of Islamic jurists and Sufis to issues related to Islamic jurisprudence. Unlike jurists, the Sufis, who advocated that Islamic jurisprudence should cover the spiritual aspects of issues, were able to discover the mystical-legal hermeneutics of sacred texts.

Imam Shafi'i is considered the founder of legal hermeneutics thanks to his work “ar-Risala”. It should be noted that Abu Hanifa and Imam Malik, who lived before Imam Shafi'i, also worked on legal hermeneutics. A huge number of judicial decisions of the madhhabs were issued on the basis of the rules developed by them regarding usul al-fiqh. The article emphasizes that Shafi'i's “ar-Risala” is the first written source and deserves special attention.

Tirmidhi always avoided a literal understanding of sacred texts and chose the path of interpretation (ta'wil). Tirmidhi defined the word “ta'wil” as “searching for the beginning of a problem, studying it from the very beginning”.

Tirmidhi mentions a special kind of scholars who can interpret. At the same time, Tirmidhi interprets the story of al-Mithaq: before the creation of Adam, mankind passed through three stages. At the first stage, Allah brought all mankind to Himself and illuminated them with His light. People were divided into infidels, blasphemers and believers, depending on their share of this light. At the second stage, after 50 thousand years, God created Adam. At the third stage, in the day of al-Mithaq, God received a covenant from the spirits of all mankind, who will be born before the Day of Resurrection.

**Keywords:** Legal hermeneutics, hikma, ilm az-zahir, ilm al-hatin, al-Mithaq, fiqh, Hakim Tirmidhi, Imam Shafi'i, ta'wil, istinbat, ijtihad.

**Аннотация.** В статье рассматриваются различия в подходах исламских правоведов и суфиев к вопросам, связанным с исламской юриспруденцией. В отличие от правоведов, суфизмы, выступавшие за то, чтобы исламская юриспруденция освещала духовные аспекты вопросов, смогли открыть мистико-правовую герменевтику священных текстов.

Имам Шафии считается основоположником юридической герменевтики благодаря его труду “ар-Рисала”. Необходимо отметить что, Абу Ҳанифа и имам Малик, жившие до Имама Шафии, также работали над юридической герменевтикой. Огромное количество судебных постановлений мазхабов были изданы на основе разработанных ими правил относительно усул ал-ғиққа. В статье подчеркивается, что “ар-Рисала” Шафии является первым письменным источником и заслуживает особого внимания.

Тирмизи всегда избегал буквального понимания священных текстов и выбрал путь толкования (та'вил). Тирмизи определил слово “та'вил” как “поиск начала проблемы, познание с самого истоков”.

Тирмизи упоминает особый тип ученых, которые могут проводить толкования. При этом Тирмизи интерпретирует историю ал-мисак: до сотворения Адама человечество прошло три стадии. На первом этапе – Аллах привел все человечество к Себе и осветил их Своим светом. Люди разделились на неверных, богохульников и верующих в зависимости от своей доли этого света. На втором этапе – через 50 тысяч лет Бог создал Адама. На третьем этапе – Бог создал всё человечество, которые будут рождены до Дня Воскресения и знают о клятве ал-мисак.

**Ключевые слова:** правовая герменевтика, ҳикмат, ильм аз-захир, ильм ал-батин, ал-мисак, фиқх, Ҳаким Тирмизи, имам Шафии, та'вил, истинбат, идэжтиҳад.

Холбуки, Имом Шофеийдан олдин яшаган Абу Ҳанифа ва Имом Молик ҳам ҳуқуқшунослик герменевтикасига доир фаолият олиб борганлар. Уларнинг усул ал-фиқхга оид ишлаб чиқсан қоидалари асосида мазҳабларнинг сон-саноқсиз фикҳий ҳукмлари чиқарилган. Аммо усул ал-фиқх қоидаларини тартиба солиш бўйича Шофеийнинг “ар-Рисола”си дастлабки ёзма маъна, илк қадам бўлгани учун алоҳида эътиборга сазовор бўлган.

Классик ҳанафий ҳуқуки назариётчилари мазҳаб юридик герменевтикасини Абу Ҳанифа ва унинг икки машхур шогирди Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийга боғлайдилар. Ҳанафий уламолар орасида биринчи бўлиб Муҳаммад Шайбонийнинг шогирди Исо ибн Абон (ваф. 836) Шофеийнинг “ар-Рисола”сида кўтариленган герменевтик масалалар бўйича қалам тебратган ҳисобланади (David R. Vishanoff, 2004:55).

### АСОСИЙ ҚИСМ

Юртимизда ёзилган илк тасаввуфий маъналар орасида Ҳаким Термизийнинг (ваф. 932) асарларида шариат герменевтикасига доир қарашлар учрайди. Аллома ўз асарларида шариат масалаларнинг руҳий жиҳатларини ҳам қамраб олиши зарурияти ҳақида фикрларни илгари суради. Ҳаким Термизий сулук ва шариатни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилади. Айрим факиҳлар масалаларни ҳарфий тушунишлари ҳамда Қуръон ва суннанинг зоҳирий жиҳатларигагина эътибор қаратиб, муҳолифлари билан мунозара қилиш мақсадлари бўлиб қолганлиги Термизий томонидан танқид қилинади. Аллома факиҳ ва суфийларнинг илмларини қиёслаб, суфий-ҳакимларга кенгрок илм берилганини таъкидлайди.

Ҳаким Термизий ҳуқуқшуносларнинг “факиҳ”, “фиқх” сўзларига эга чиққанларига эътиroz билдиради: “Ўзларини фиқхга нисбат берувчилар билмайдиларки, фиқх – фуад (қалбнинг ички қисми, учинчи мақоми) кўзидан парда очилиши ва қалб нигоҳи билан Аллоҳнинг аломатлари ва далилларинини кўриши, унинг баёнини англашидир” (Ҳаким Термизий, 1981:138).

Термизий фиқхнинг ҳақиқий мазмуни бўйича ўз муносабатини баён қилади: “Фиқх – фахмлашдир ҳамда ишлар устидаги парданинг очилишидир. Агар банда Аллоҳга буюрган

ва қайтарган нарсаларини тушуниб англаб етганидан кейин ибодат қиласа, унга буюрилган ва қайтариленган ишларда Аллоҳнинг қилган тадбирлари устидаги парда кўтарилади. Мана шу холис ибодат бўлади”. Сўнгра “фиқх” сўзининг луғавий маъносини очиб беради: “ал-фиқх” сўзи “ат-тафаккуъ” (бир нарсанинг ёрилиши) сўзидан олинган. Луғатда бирор нарса очилиб қолса, “фуқиа аш-шайъ” (нарса ёрилиб очилиб қолди) дейилади, “фуқиа ал-журх” (яра очилди) – яра битгандан кейин ёрилса. Бу феълдан исм (от) ясалса, фак’ун бўлади. Ҳ (харфи) ва ҳамза (харфи) бир-бирининг ўрнига келаверади. Шунинг учун фақа’а (فَقَاء) ҳам фақаҳа (فَقَاءَ) ҳам дейилади”. Фикри давомида Термизий Аллоҳ ўз Китобида “фиқх” сўзини “**Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар (فَقْهُونَ لَا)”**” (*Аъроф*, 179) оятида зикр этганини қайд этиб, “Билгинки, фиқх – қалбнинг ишидир” деб хулоса қилади (Ҳаким Термизий, 2015:326). Ҳақиқий фиқх – шариат ҳукмларининг маънавий-руҳий жиҳатларини ҳам қамраб олишини таъкидлаб, уни замондош факиҳлар кўллаётган фиқхга қарши кўяди.

Фиқҳни бундай тушунишда Термизий якка бўлмаган, Абу Наср Сарроҷ “Китаб ал-лумаъ”, Абулқосим Қушайрий “ар-Рисала”, Абу Ҳомид Фаззолий “Асрор ас-савм” асарида ҳам айнан шу тарзда фикр билдирганлар.

Ҳатто кейинроқ яшаган ҳанбалий мазҳаби уламоси Ибн Жавзий (ваф. 1201) ҳам факиҳларнинг ҳукмлар руҳий жиҳатига беэътиборлигини танқид қилган (A.Belhaj, 2013:105). Ўзининг “Талбис иблис” асарида факиҳларнинг қалбларни юмшатиш учун Қуръон қироати, ҳадис тинглаш, Пайғамбар (а.с.) ва саҳобийлар сийратларини ўрганишни тавсия этади. Зоро, “нажосатни кетказиш ва сувнинг ўзгариши” масаласини такрорлайвериш қалбда хушуъ ҳосил қилмайди. Қалба зикр, мавъизалар охират талабига сафарбар қилиш учун керак”, - дейди (Ибн ал-Жавзий, 2010:114–118).

Гарчи тадқиқотларда Саҳл Тустарийнинг (818–896) “Тафсир ал-Қуръан ал-АЗим” асари (асар унинг шогирдлари томонидан X–XI асрларда ёзма шаклга келтирилган) тасаввуф герменевтикасига катта таъсири ўтказгани қайд этилсада (Мухетдинов Д., Бородай С., 2016:400), аммо деярли унга замондош Ҳаким Термизийнинг бу борадаги таъсири ундан кам эмас. Зоро машхур суфий Абу Абдураҳмон Суламий (ваф. 1021) нинг энг машхур тасаввуфий тафсир бўлган

“Ҳақоқ ат-Тафсир” ва унга қўшимча қилиб ёзган “Зиёдот Ҳақоқ ат-Тафсир” асарларида Ҳаким Термизийдан жуда кўп ўринларда иқтибослар келтиради. “Зиёдот”нинг ўзида бу иқтибослар 15тани ташкил этади (А.Суламий, 1986).

## МУҲОКАМА

Тасаввуф герменевтикасида Қуръон оятлари муҳим ўрин тутади. У мавжуд анъана доирасида Қуръондаги асосий мавзуларга таянади. Тасаввуфда Қуръоннинг турлича маъноларига ишора қилинади. Суфийлар орасида энг кенг тарқалган қарашга кўра Қуръон зохир (ташқи) ва ботин (ички) ўлчов-маъноларига эга. Ташқи ўлчов-маъноларига зохирий билим соҳиблари яъни асосий қисм мусулмонлар, фақих, мутакаллим ва бошқалар масъул бўлиб, суфийларга кўра уларнинг қалби илоҳий билим (маърифа)га очилмаган. Қуръоннинг ички ботиний маънолари эса қалби мунаввар бўлган, унинг илоҳий моҳиятини англаган инсонларга хосдир (Мухетдинов Д., Бородай С., 2016:399). Ҳаким Термизий шу маънода машҳур саҳобий Абу Дардонинг: “Токи Қуръоннинг турли важҳ-маъноларини кўрмас экансан, ҳеч қачон фақих бўлмайсан (тушунмайсан)”, деган гапини келтирган (Ҳаким Термизий, 2015:326).

Ҳаким Термизийнинг Қуръон оятлари тафсирига қаралса, у ерда ботиний маъноларга катта эътибор қаратилади: инсоннинг маънавий тараққиёт йўли, руҳий психологияси, инсоннинг гуноҳ ёки савоб ишларни амалга оширишининг ички дунёсида содир бўлиш жараёнлари, инсоннинг ички руҳий тузилиши каби масалалар муҳокама қилинишини кўриш мумкин. Бино-барин, Термизий “ал-Акёс ва-л-муғтаррун” асарида фикхнинг ботиний жиҳатларни ҳам қамраб олишини баён қиласди: “Шариат йўллари тана аъзолари устида бўлади, бу йўл эса қалблар билан бўлади, йўлаги эса нафслар узра ўтади. Бунда қалб шахватлардан сақланиш учун буюк ҳимоя – Аллоҳдан паноҳ тилашга муҳтож бўлади” (Ҳаким Термизий, 1989:108).

Термизий матнларни ҳарфий тушунишдан доим қочиб, таъвил йўлини тутган. Ҳаким Термизий тафсир-таъвилларини мутолаа қилган кишида кўз ўнгидаги тасвирилаган ҳолатлар намоён бўлади. Эҳтимол муаллифнинг ўзи ҳам шу мақсадларни кўзлаган бўлиши мумкин. Термизий “таъвил” сўзини “Таҳсил назоир

ал-Қуръон” асарида “бирор масаланинг аввалини излаш, бошидан ўрганиш” деб баён қиласди. “Кимки, масаланинг аввалини билса ва ишларнинг бошини англасса, у таъвилни идрок этади. Ишларнинг аввали “бошланиш илми”да мужассам бўлиб, уни Аллоҳ одамзотни қоронгулиқда яратиб, тақдирларни белгилаган пайтда намоён қиласди. Ишларнинг аввалини биладиганлар таъвилларни англаб этадилар, яъни Унинг (берилган) нури туфайли масалаларнинг негизини идрок этадилар”. Термизий “таъвил” сўзининг 5 маъносини ҳам баён қиласди: тафсир – Қуръоннинг ботиний маънолари пардасини очиш, туш таъбири – тушдаги кўринишларни Аллоҳнинг ишларига қўчириб ўтказиш, оқибат – масаланинг таъвили мазмунини қамраб олади, маржа – бошланғич нуқтага қайтиш, ҳақиқат – таъвил билан ҳақиқатга эришилади (Ҳаким Термизий, 1969:115–116).

Масалан, Ҳаким Термизий: “Зумар” сурасининг 29-оятидаги رجلا فيه شركاء متشاكسون (бир киши – қул борки, унинг устида талашгувчи шериклар бор) иборасининг зохири бу – мушприк. Ботини эса – қалбни шериклар эгаллаб олиб уни асир қилганлар. Уларнинг ҳар бири уни ҳар томонга тортади, уларнинг ҳар бирининг қалбда ўз манфаати бор, қалбда дунёга хирс хурсандчиликлари ва лаззатли ҳолатлар бор, шериклар гурухларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирининг қалбга ҳукмронлиги бор, ўзаро бир-бири билан рақобатда, улар ўзаро яхши муносабатда эмаслар. У (банда) эса қалбнинг бир бўлагини эгаллаган шаҳватга мафтун”, – деб таъвил қиласди (Ҳаким Термизий, 1989:108).

“Таъвил” ва “тафсир” тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақидаги мунозаралар кейинги даврларда эътиборга олина бошланган. Масалан, таниқли муфассир Абу Жарир Табарий (839–923) ўзининг машҳур тафсирини “Жамиъ ал-баян ан таъвил айёт ал-Қуръан” деб номлаган. Имом Бухорий ва Имом Аҳмад келтирган ривоятда Пайғамбар Мухаммад (а.с.) саҳобий Ибн Аббосни: “Динда фақих қилгин ва таъвилни ўргат” деб дуо қилганлар (Nasr Hamid Abu Zeyd, 2018:15). Демак, “таъвил” сўзининг мазмуни кейинги даврларда ўзгаришга учраган.

Ҳаким Термизий “ас-Солату ва мақосидуҳа” асарида Пайғамбар (а.с.) Қуръонни ботиний жиҳатдан тиловат қилгани ҳақидаги ҳадисни айтиб, тиловат аҳлини З марта бага ажратади: 1) тиловат қилганда ваъдалардан ҳузурланади,

ваидлардан қўрқиб-титрайди – бу энг қуий марта, 2) тиловат қилганда Аллоҳ билан сұхбатидан лаззатланади – бу олий марта, 3) ботиний жихатдан тиловат қиласи – уларнинг васфи Қуръонда “Мўминлар – Аллоҳ номи зикр этилганда – дилларида қўрқув намоён бўладиган” (Анфол, 2) деб келади (Ҳаким Термизий, 1965:45).

Термизий ана шундай таъвилларни кўтара оладиган алоҳида олимлар тоифасини қайд этади. Бунда Термизий ал-мисоқ ҳодисасини ўзига хос талқин қиласи: Одам Ато яратилгунга қадар одамзот учта босқични босиб ўтган. Биринчи босқичда – Аллоҳ барча одамзотни ҳузурига келтириб уларни Ўз нури билан мунаввар қилди. Шу нурдан насибадорлигига қараб одамлар коғирлар, шаккоклар ва мўминларга ажралди. Иккинчи босқичда – 50 минг йилдан кейин Аллоҳ Одам Атони яратди. Учинчи босқичда – қиёматгача туғиладиган жамики инсонлар руҳидан ал-мисоқ куни аҳд олди (А.Кныш, 2004:121–122).

Мана шу талқин Термизийнинг кейинги герменевтик қарашлари асосини ташкил этади: кимга нур берилган бўлсагина у масалаларнинг ботиний маъноларини кашф эта олади.

### НАТИЖА

Ҳаким Термизий факиҳларнинг қиёсидаги қусурларни танқид қилаётганида зоҳир илми билан бир қаторда қиёс етиб бормайдиган ботин илми борлигини зикр этади. Зоҳир илми соҳиблари ақл нури билан юрсалар, ботин илми эгалари эса Аллоҳдан нур билан қалб ёки идрокка бериладиган илҳом ила ҳаракатланадилар. Бунга далил қилиб Термизий Оиша (р.а.)дан ривоят қилинган қуйидаги қудсий ҳадисни далил қилиб келтиради: “Аллоҳ таоло айтади: Агар бандамни яхши кўрсам, унинг қулоги, кўзи ва юраги бўламан. Токи у Мен билан эшитади, кўради ва ақл юритади” (Абдулмуҳсин Ҳусайнӣ, 1963:447).

Зоҳир ва ботинни мувофиқлаштириш мавзуси Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Мишкат ал-анвор” асарида мухокама қилинган. Жумладан, “Юнус” сураси, 10-оятда Аллоҳ Мусо (а.с.)га муқаддас водийга киришдан аввал пойабзалини ечишни буюради. Ғаззолий бу ердаги водийни Аллоҳга қурбат рамзи, пойабзал эса икки дунё ташвишларини тамсил этади, дейди. Ғаззолий бу

таъвилни “оятнинг ҳарфий маъносига қўшимча” деб қараш кераклигини таъкидлайди. Зоро, Мусо Пайғамбарда дарҳақиқат пойабзал бўлган, Аллоҳдан водийга кириш бўйича аниқ амр олган. Аммо пойабзални ечиш фақат зоҳирий томонини ифода этган бўлса, пойабзални ечиши билан Мусо (а.с.) икки дунё юкини ҳам ечгани ботиний жихатидир (Мухетдинов Д., Бородай С., 2016:409). Юқоридаги мисолда Ғаззолийда зоҳирий жихат ботинга зарур суюнчиқ вазифасини ўтамоқда. Бинобарин, зоҳирни инкор этишни Ғаззолий ботиния оқимининг хатоси эканини қайд этган.

Ҳаким Термизий ҳам зоҳир ва ботин бир бирига тиргак эканини кўп асарлари қаторида “Баён ал-фарқ”да ҳам таъкидлаган: “Зоҳир ва ботин илми бири иккинчисига муҳтоҷ. Чунки бири шариат баёни бўлиб, у Аллоҳнинг бандаларига ҳужжатидир. Иккинчиси эса ҳақиқат баёнидир... Кимки, зоҳир илми билан сақланиб, ботин илмини инкор қилса, у мунофиқдир. Кимки, ботин илми билан сақланиб, шариатни қоим қилиш учун зоҳирий илмни ўрганмаса ва уни рад этса, у зиндиқдир. Унинг ботинга оид илми ҳақиқат илми эмас, балки шайтоннинг унга қилган васвасасидир” (Ҳаким Термизий, 1998:37).

Тафсирнинг ботиний маъноларини тушуниш учун қалбда Аллоҳдан берилган нур зарурлиги Ҳаким Термизий томонидан кўп тақрорланади. Қуръоннинг зоҳири ва ботини бор эканини таъкидлаган ҳолда иккала йўналишда тафсир қилганини кўриш мумкин: Қуръони каримдаги: ﴿وَيَعْلَمُنَّا الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ﴾ (Жума, 2) (Уларга Китоб (Қуръон) ва Ҳикматни (ҳадисни) ўргатадиган (А.Мансур, 2004) оятидаги ал-Китоб – Қуръоннинг зоҳири, ал-ҳикма эса унинг ботини, яъни яширин маънолари, деб тафсир қиласи (Сомий Лутф, 1981:139). “Наводир ал-усул”да Ҳаким Термизий баъзи оятларни тафсир қилиб, унинг зоҳирий маъноси бундай, лекин унинг ботиний шарҳи қуидагича деб, оятнинг икки тур шарҳини кўрсатиб ўтади. Асарнинг яна бир жойида “Бақара” сурасининг 238-оятидаги

﴿وَقَوْمًا لِّهِ قَنْتِينَ﴾ (Аллоҳ учун бўйинсинган ҳолда туринглар) ибораси тафсирида шундай баён қиласи: “Мужоҳид<sup>1</sup> “қунут – хокисор бўлиш, тавозеъ билан бош эгиш” деган, Ибн Аббос<sup>2</sup> эса “қунут – итоат этиш” деган. Мужоҳид сўз(нинг

<sup>1</sup> Мужоҳид ибн Жабар (ваф. 104/722) – тобеий, Макка мактабининг машҳур муфассири.

<sup>2</sup> Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 69/688) – саҳобий, машҳур муфассир, Макка тафсир мактаби муассисларидан.

қаъри)га шўнғиб, унинг туб моҳиятига етиб борган. Ибн Аббоснинг айтган сўзи тафсирнинг зоҳири (*зоҳир ат-тафсир*), Мужоҳиднинг ибораси тафсирнинг ботинидир (*ботин ат-тафсир*) (Ҳаким Термизий, 1989:627).

Гарчи, Ҳаким Термизий илм ал-ботин ва илм аз-зоҳир бир-бирига ошно эканини таъкидласада, илм ал-ботинни англаган ҳакимни илм аз-зоҳирни эгаллаган олимдан юқори қўяди. Жумладан, шундай ёзади: “Аллоҳ ҳузуридаги илм – денгиздир. Бу денгиздан У расулларга дарё (миқдорида илм) ато этади, расуллар бу дарёдан уламоларга анхор (миқдоридаги илм) ни берадилар, уламолар эса оммага кичик ариқни улашадилар. Анбиёларга Пайғамбарлик масъулиятини кўтара оладиган ақл берилган, олимлар эса омма тоқат қила олмайдиган илмга муносиб тарзда ақллари зиёда қилинган. Худди шундай ботин уламолари – ҳукамолар эса зоҳир уламолари ожиз бўлган илмларни кўтара олишлари учун ақллари зиёда қилинган. Улар зоҳир уламолари тоқат қила олмайдиган илмни эгаллайдилар, шунинг учун ҳам зоҳир уламолари баъзи бандаларнинг сувда юриши, юрганларида ернинг уларнинг олдига ўзи тортилиб келиши, уларга ризқнинг одамлар иштирокисиз муҳайё қилинишини инкор этадилар” (Ҳаким Термизий, 1989:357–358).

Ҳаким Термизий асарларида нур мавзусига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳаким Термизий “Баён ал-фарқ” асарида тўрт хил нур ҳақида баён қилади: ислом нури, тавҳид нури, имон нури, маърифат нури (Ҳаким Термизий, 1988:63). Фақиҳларга ҳам Аллоҳдан нур берилиши оқибатида дунёнинг иллати ва давосини кўра олиш салоҳияти берилишини баён қилади: “Ҳақиқий фиқҳ – қалб фиқҳидир. Диндаги фиқҳ эса, Аллоҳнинг мўмин бандаси қалбига солган нурдир. Бу гўёки йўл кўрсатувчи фонусга ўхшайди” (Ҳаким Термизий, 1988:60).

Ҳаким Термизий ўз асарларида фақиҳларни фарқлайди: “Фақиҳнинг ҳукмларни истинбот қилиши – масалаларнинг суннатга мувофиқлиги асосида ва шариатни қоим қилиш ўйлида бўлади, илмнинг ботини асосида истинбот қилувчи фақиҳ эса руҳий ҳолатларни ҳақиқатга мувофиқ бўлиши ва рубубият мушоҳадаси ила амалга оширади... Фақиҳ Аллоҳнинг хужжатига мувофиқ истинбот қилади, ҳаким эса Аллоҳнинг муродига мувофиқ истинбот қилади ва унинг ҳузурига етаклайди” (Ҳаким Термизий, 1988:60–61). Ҳаким Термизий “ал-Акёс ва-л-муфтаррун” асарида фақиҳлар

танқидига бағишлаб маҳсус “ал-Улум” деган китоб таълиф этганини қайд этади. Термизий таъкидлашича, асарда дин ҳукмларини ботил қилувчи фиқҳий ҳийлатлар ва фақиҳларнинг номуносиб ҳолатлари асарда фош қилинган (А.Сойиҳ, 1999:91). Шариат ҳукмларидағи Аллоҳнинг ҳикмати уларга қоронғи экани, бу зоҳир эмас, балки ботин илми экани Термизий томонидан таъкидланади.

Ҳаким Термизий ўз замонаси фақиҳларидағи юқоридаги каби салбий ҳолатлар юзага келишини уч асосга боғлайди: 1) фиқҳ илми – фақиҳда руҳий ҳолатни тарбияламайди; 2) фақиҳларнинг ҳукм чиқариш соҳасидаги услубларидағи ҳатолар, хусусан, Ҳаким Термизий аниқ мисоллар билан аҳли раъйнинг қиёс орқали чиқарган айрим ҳукмларини танқид қиласи; 3) Фақиҳнинг ўзига боғлиқ ҳолат бўлиб, Термизий иборасига кўра: “истинбот ва ижтиход аҳли ҳақиқатга етиши учун Аллоҳ нури билан жилоланган соф қалб, иллатлардан холи, дунё шахватларидан тоза бўлган покиза нафсга муҳтож”. Шундагина унга фаросат нури бериладики, қиёсни тўғри англаб этади (А.Сойиҳ, 1999:101).

Юқоридагилардан маълум бўладики, Ҳаким Термизий ҳақиқий фақиҳда валийлик сифатлари мужассам бўлишини баён қилмоқда. Зоро, Ҳаким Термизий асарларининг дикқат марказида валийлик мавзуси турди. У сулук йўлининг асл мақсади валийлик, яъни Аллоҳнинг дўсти мартабасига эришиш ва унинг энг юқори даражасига кўтарилиш, деб ҳисоблайди. Ҳаким Термизий ислом тарихида валийлик мавзусига оид билимларни биринчи бўлиб тизимга келтирган аллома сифатида эътироф этилган. Унинг деярли барча асарларида валийлик, авлиёлар мавзуси у ёки бу жиҳатдан муҳокама қилинади. “Илм ал-авлиё”, “Маърифат ал-асрор” ва айниқса “Сират ал-авлиё” (“Хатм ал-авлиё” номи билан машҳур) асарида эса бу мавзу батафсил баён қилинади.

Ҳаким Термизийга кўра валийлик икки қисмдан иборат: *валоя омма* (умумий валийлик) ва *валоя хосса* (хос валийлик). Биринчиси тавҳид валояти бўлиб, барча имон келтирганларни қамраб олади. Зоро, Аллоҳ: “**Аллоҳ имон келтирганларнинг дўстидир**” (*Бақара*, 257) деган. Валоя хосса – эса имон келтирган ва Аллоҳ ва Расулининг чакириғига “лаббай” деб жавоб берган мўминларни ўз ичига олади. Уларнинг валийликдаги манзиллари чакириқка берган жавоблари даражасига мувофиқ бўлади.

Бу борада Қуръонда: **Сизларни тирилтирувчи нарса (илм олиш) учун чорлаганларида, Аллоҳга ва Расулга (лаббай деб) жавоб қилингиз!** (Анфол, 24) дейилган. Валоя хосса икки катта қисмга ажралади: ахл ал-ҳидоя (муҳтадо – ҳидоятга йўлланган) ва ахл ал-жибоя (мужтабо – танланган) (М.Жуюший, 1980:200-203). Ҳаким Термизий “Сират ал-авлии” асарида валийларнинг саккиз аломатини ажратиб кўрсатади:

- Уларни кўриш Аллоҳни ёдга туширади.
- Валийларнинг ҳақ ҳужжати (далили) бўлиб, уларга қарши чиқкан ҳар кимсани ўша ҳақ ҳужжати енгиб қўяди.
- Улар фаросат эгалари бўлиб, Пайғамбар (а.с.) бу ҳақида: “Мўминнинг фаросатидан қўрқинг, зоро у Аллоҳнинг нури билан назар солади”- дея марҳамат қилганлар.
- Улар илҳом соҳибларидир.
- Уларга азият етказганлар енгиладилар, ёмон оқибат топадилар. Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло айтади: “Ким менинг дўстимга (валий бандамга) душманлик қилса, Мен унга уруш очаман”.
- Одамларнинг тилларида улар ҳақида мақтов гаплар кўп айтилади, фақатгина ҳасадгўйлар бундан мустасно.
- Аллоҳ таоло уларга икром кўрсатиб, дуоларини мустажоб, ўзларига кароматлар ато этиб, юрганларида ер оёқ остиларига ўралиб келиши ва сув устида юриш каби фавқулодда ишларни мұяссар қиласди.
- Аллоҳ таоло уларнинг тилларида илмнинг асослари – бошланиш илми, мийсоқ илми, ҳарфлар илми, тақдир илми кабиларни бийрон қиласди. Булар эса ҳикмат асослари, яъни олий ҳикматдир.

Ҳаким Термизийга кўра, валийлик бандаларга ато этилган илохий неъмат бўлиб, унга етишганлар икки бир-биридан фарқли йўлда бўладилар: биринчиси – ҳидоят ахли, улар катта машаққат, сабр-тоқат, нафс рағбатларини қийинчилик билан енгиб ўтиш, қаттиқ жидду-жаҳд билан эришадилар. Иккинчиси эса – мужтабо, яъни “танлаб олингандар” бўлиб, улар илохий инъом, раббоний файз йўлида юрадилар. Аллоҳ таоло уларни ўзига танлаб олган ва қалбларига олдиндан жазба солиб қўйган. Улар жибоят (танланганлар) ахли бўлиб, расул ва набийлар, авлиёларнинг пешволари – сиддиқлар, муҳаддаслар шулар орасидандир. Бундай тақсимотни Ҳаким Термизий Қуръондаги

куйидаги оятдан олган: **Аллоҳ унга (динга) Ўзи ҳоҳлаган кишиларни танлар ва Унга инобат қиласиган кишиларни ҳидоят сари йўллар (Шуро, 13).**

Термизий “Маърифат ал-асор” китобида бу икки тур валийларнинг аломатлари ҳақида шундай дейди: “Аллоҳнинг саховати билан валийлик ато этилган кишининг аломати шуки – агар у яқин келса, уни (янада) яқинлаштирилади. Агар узоклашса, ташлаб қўйилмайди. Агар жиноят (хато) содир этса, таъна қилинади, лекин узоклаштирилмайди. Кимнинг валийлиги (ўз) саъй-ҳаракати ва жидду-жаҳди билан (эришилган) бўлса, агар у яқинласа – тўхтатилади, жиноят қиласа – узоклаштирилади, узоқ бўлишга рози бўлса – тарк этилади” (Ҳаким Термизий, 1977:49).

Биринчи тур валийларни Термизий “ҳаққуллоҳ валий”, иккинчисини эса – “валийюллоҳ”, деб атайди. “Ҳаққуллоҳ валий” – Аллоҳ учун ҳар қандай машаққатни ютиб, ўз тавбасига вафо қилишга азм қилган кишидир. Бунинг учун у етти тана аъзоси – тил, қулоқ, кўз, қўл, оёқ, қорин ва фаржи (жинсий аъзо) ни гуноҳ ишлардан саклайди. Бу билан у ташки жиҳатини ислоҳ қиласди. Аммо ички дунёси нафс шахватлари билан тўла. Бундай инсоннинг ичидаги яширин шаҳвоний нафсини Термизий юқори қисми кесилган дараҳтга ўҳшатади: гарчи дараҳтнинг тепа қисми кесилган бўлсада, унинг кўзга кўринмас чуқур илдизлари дараҳт хаётини таъминлаб туради. Агар бир оз ҳушёрлик йўқотилса, дараҳт янга шоҳлаб кетади, кесилган шоҳлар ўрнига янгилари ўсиб чиқаверади. Бу ҳолатда банда дараҳтни теран илдизларидан кўпориб ташлашга азм қиласди. Аллоҳ унинг азми қатъий эканини билиб, шунга яраша савоб беради.

“Валийюллоҳ”ни тавсифлашда Ҳаким Термизий қуйидаги қудсий ҳадисга асосланади: “Бандам, Менга севимли, унга фарз қилганим амаллардан бошқа амал билан Менга яқинлаша олмайди. Бандам нафл амаллар билан ҳам Менга яқинлашишда давом этса, Мен уни яхши кўриб қоламан. Уни яхши кўргач эса, эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, тутадиган кўли ва юрадиган оёғи бўламан” (*Имом Бухорий ривояти*). Аллоҳ бу тоифанинг нафсини поклаб, уларнинг қалблига нур ато этади. Натижада пардалар қўтарилиб, қалблар очилади, кўнгил жилоланади. Уларнинг нафслари ўлган, шахватлари ўчиб кетган бўлади ва улар ўз валийлик ҳолатларини билиб турадилар. Мана

шу сифатларга эга фақихларни Ҳаким Термизий хақиқий олимлар деб хисоблайди.

## ХУЛОСА

Суфийларга кўра Қуръоннинг ботиний маънолари бор, айрим маънолари Пайғамбар (а.с.) томонидан очиб берилган, айримлари илҳом орқали етук инсонларга очилади. Суфий герменевтик анъанаси Қуръон тафсири бўйича бир қанча услубларни намоён этади. Бу услублар анъанавий тафсир йўлига таянган ҳолда уни янада бойитади.

Ҳаким Термизийнинг юридик герменевтикаси ҳикмат, ботин илмига таянади. Термизийга кўра, валийлик сифатларига эга “истинбот ва ижтиход ахли” том мазмундаги фақихлардир.

Термизий фикҳни 2 хил маънода баён қилади: 1) ҳукмлар ҳақидаги илм, у фикҳ билан шуғулланиш орқали касб этилади. Илм билан шуғулланиши баробарида унинг илми ва нури зиёда бўлади. 2) Ҳақиқий маъноси – қалб фикҳидир. Бунда Аллоҳ фақих қалбига соглан нур орқали ҳукмларни истинбот қилади.

Давр, ижтимоий-тарихий вазият ўзгариб борар экан, ҳуқуқий манбалар, қонун-қоида, тартибларга ёндашув ўзгариб боради. Бу эса, зиддият ва тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Герменевтика эса, мана шу салбий ҳолатларнинг олдини олиши кўзда тутилади. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг вақт ва макон ўзгариши билан асл мазмунини тушунишга бўлган эҳтиёж – ўрта асрларда юридик герменевтиканинг тараққий этишига хизмат қилди.

Герменевтикага нисбатан ислом уламолари ўртасида зидиятли қарашлар шаклланганига қарамай, кўплаб мутахассисларга кўра: “Ислом тамойиллари, белгиланган қонун-қоидаларга зид бўлмаган, диннинг асосий ғояларини муҳофаза қилган ҳолда ҳар қандай исломий матнга герменевтика қўлланса ва юқоридаги асосларга зид бўлмаган қандайдир натижага эришилса, илмнинг бу муҳим бўлимидан фойда олишнинг зарари йўқ” (Saifullah Bhutto, 2015:310–313).

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. A. Belhaj. (2013). Legal Knowledge by Application: Sufism as Islamic Legal Hermeneutics in the 10th/12th Centuries. *Studia Islamica*, Vol. 108, No. 1.
2. David R. Vishanoff. (2004). Early Islamic Hermeneutics: Language, Speech, and Meaning in Preclassical Legal Theory. University of Colorado: Graduate Division of Religion.

3. Nasr Hamid Abu Zeyd. (2018). *Sufi HermenÖtik*. Istanbul: Mana yayinlari.
4. Saifullah Bhutto. (2015). Hermeneutics from Islamic Perspective. *IJSRSET*, Volume 1, Issue 5.
5. Абдулмуҳсин Ҳусайнин. (1963). Ал-Маърифа инда ал-Ҳаким ат-Тирмизий. Қоҳира: Дар ал-китаб ал-арабий.
6. М. Жуюший. (1980). Ал-Ҳаким ат-Тирмизий: дироса ли осориҳи ва афкориҳи. Қоҳира: Дар ан-нахда арабий.
7. Ибн ал-Жавзий. (2010). *Талбис иблис*. Байрут: ал-Мактаба ал-асарийя.
8. Кныш А. (2004). Мусульманский мистицизм. Москва, Санкт-Петербург: Диля.
9. Абдулазиз Мансур. (2004). Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: ТИУ.
10. Ҳаким Термизий. (1989). *Табоиль ан-нуфус ёки ал-Акёс ва-л-муғтэррун*. Қоҳира: ал-Мактаб ас-сақоғий.
11. Ҳаким Термизий. (1969). *Таҳсил назоир ал-Қуръон / X. Зайдон нашри*. Қоҳира: Матбаа ас-саада.
12. А. Сойиҳ. (1999). Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Қоҳира: Марказ ал-китаб ли-н-нашр.
13. Л. Сомий. (1981). *Дироса фи ‘илм ал-авлия’*. Қоҳира: Мактаба ал-хуррийя ал-хадиса.
14. А. Суламий. (1986). *Зиёдот Ҳакоик ат-Тафсир*. / Герхард Бюргинг нашри. Байрут: Дар ал-машириқ.
15. Ҳаким Термизий. (1965). *Ас-Солат ва мақосидуҳа / X. Зайдон нашри*. Қоҳира: Дар ал-китаб ал-арабий.
16. Ҳаким Термизий. (1998). *Баён ал-фарқ / А. Сойиҳ нашри*. Қоҳира: Марказ ал-китаб ли-н-нашр.
17. Ҳаким Термизий. (1981). *Илм ал-авлиё / С. Лутф нашри*. Қоҳира: Мактаба ал-хуррийя ал-хадиса.
18. Ҳаким Термизий. (1977). *Маърифат ал-асор / М. Жуюший нашри*. Қоҳира: Дор ан-нахда ал-арабий.
19. Ҳаким Термизий. (2015). *Наводир ал-усул / Н. Бурдурий нашри*. Байрут: Дар ал-минҳаж.
20. Ҳаким Термизий. (1988). *Наводир ал-усул / А. Сойиҳ нашри. Ж. И. Қоҳира: Дор ар-район ли-т-туроc*.
21. Ҳаким Термизий. (1988). *Наводир ал-усул / А. Сойиҳ нашри. Ж. II. Қоҳира: Дор ар-район ли-т-туроc*.
22. Madelung Wilferd (2011). Book Reviews / The Formation of Islamic Hermeneutics by David R. Vishanoff. *Ilahiyat Studies* Volume 2, Number 2, Summer / Fall.
23. Мухетдинов Д., Бородай С. (2016). Исламская мысль: традиция и современность. Религиозно-философский ежегодник. Вып. 1. Москва: ООО Издательский дом “Медина”.

## REFERENCES

1. A. Belhaj. (2013). Legal Knowledge by Application: Sufism as Islamic Legal Hermeneutics in the 10th/12th Centuries. *Studia Islamica*, Vol. 108, No. 1.

2. David R. Vishanoff. (2004). Early Islamic Hermeneutics: Language, Speech, and Meaning in Preclassical Legal Theory. University of Colorado: Graduate Division of Religion.
3. Nasr Hamid Abu Zeyd. (2018). Sufi HermenÖtik. Istanbul: Mana yayinlari.
4. Saifullah Bhutto. (2015). Hermeneutics from Islamic Perspective. IJSRSET, Volume 1. Issue 5. Rr. 310-313.
5. Abdulmuhsin Husayniy. (1963). Al-Ma'rifa inda al-Hakim at-Tirmizi. Cairo: Dar al-kitab al-arabiyy.
6. M. Juyushiy. (1980). Al-Hakim at-Termizi: dirosa li osorihi va afkorih. Cairo: Dar an-nahda arabiyya.
7. Ibn al-Jaziy. (2010). Talbis iblis. Beirut: al-Maktaba al-asariyya.
8. Knish. (2004). Musulmanskiy mistitsizm. Moscow, Sankt-Peterburg: Dilya.
9. Abdulaziz Mansur. (2004). Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. Tashkent: TIU.
10. Hakim Termizi. (1989). Taboi' an-nufus yoki al-Akyos va-l-mug'tarrun. Cairo: al-Maktab as-saqofiy.
11. Hakim Termizi. (1969). Tahsil nazoir al-Qur'on / H.Zaydon publication. Cairo: Matbaa as-saada.
12. Soyih. (1999). Al-Hakim at-Termiziy. Cairo: Markaz al-kitab publication.
13. L. Somiy. (1981). Dirosa fi 'ilm al-avliya'. Cairo: Maktaba al-hurriyya al-hadisa.
14. Sulamiy. (1986). Ziyodot Haqoiq at-Tafsir. / Gerhard Byuring publication. Beirut: Dar al-mashriq.
15. Hakim Termizi. (1965). As-Solat va maqosiduha / H.Zaydon publication. Cairo: Dar al-kitab al-arabiyy.
16. Hakim Termizi. (1998). Bayon al-farq / A.Soyih publication. Cairo: Markaz al-kitab publication.
17. Hakim Termizi. (1981). Ilm al-avliyo / S.Lutf publication. Cairo: Maktaba al-hurriyya al-hadisa.
18. Hakim Termizi. (1977). Ma'rifat al-asror / M.Juyushiy publication. Cairo: Dor an-nahda arabiyya.
19. Hakim Termizi. (2015). Navodir al-usul / N.Burduriy publication. Beirut: Dar al-minhaj.
20. Hakim Termizi. (1988). Navodir al-usul / A.Soyih publication. Vol. 1. Cairo: Dor ar-rayyon li-t-turos.
21. Hakim Termizi. (1988). Navodir al-usul / A.Soyih publication. Vol. 2. Cairo: Dor ar-rayyon li-t-turos.
22. Madelung Wilferd (2011). Book Reviews / The Formation of Islamic Hermeneutics by David R. Vishanoff. Ilahiyat Studies Volume 2, Number 2, Summer / Fall.
23. D.Muxetdinov, S. Boroday. (2016). Islamskaya misl: traditsiya i sovremennost. Religiozno-filosofskiy yejegodnik. Vip. 1. Moscow: OOO Izdatelskiy dom Medina.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.